


Муҳаммадсоли
ЮСУПОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
халқ артисти:



“ТЕМИР БОБО”ЛИК
ҚАРЗИНИ
УЗИШИМ КЕРАК

КЎНГЛИ ОБОД
ОДАМЛАР



АВЛОДЛАРДАН
ОЛИНГАН ҚАРЗ



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Муҳаммадкарим ШОМУРОДОВ
сурат-лавҳаси.

Мозий билан сирлашув



Индекс — 176

“Оила ва жамият”
газетасини ўз оиласининг яна бир
ҳақиқий аъзоси сифатида қадр-
лаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммас-
лак бўлиб келаётган
муҳтарам муштарийлар!
Унутманг, севимли газетангизга
обуна давом этмоқда!



ҲИКМАТ

Ҳаёт — бу муҳаб-
бат! Муҳаббатни
бой берган киши
ҳаётни ҳам бой
беради.

Лео Бускаглиа

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-КИЗЛАР КҰМИТАСИДА

ОРАСТА, ОҚИЛА,
ЗУККО ВА ФАОЛ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Халқ таълими вазирилик, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Ораста кизлар" кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.

Тадбирда ташкилотчилар билан бир қаторда парламент аъзолари, тегишли вазирилик ва идоралар мутасаддилари, хотин-қизлар кўмиталари ҳамда маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билим ва замонавий дунёқараш эгалари бўлиб воёга етишини таъминлаш, хусусан, иқтидорли, фаол, изланувчан, ташаббускор қизларни қўллаб-қувватлаш, уларни муносиб рағбатлантириш, саломатлигини асраш, спорт билан мунтазам шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, касб-хунар эгаллашига кўмаклашиш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини кўрсат-

моқда. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга

мотларга эга бўлишмоқда.

"Ораста кизлар" тўғараги аъзолари жойларда "Тенгдош-тенгдошга" тамойили асосида ўз дугоналари қалбида ватанпарварлик, огоҳлик ва хушёрлик туйғусини тарбиялаш, уларда билим олишга, мақсад сари интилишга бўлган қизиқишни кучайтириш, хонадони ва маҳалласини озода сақлаш ҳамда қадим қадриятларга туташ тарбия мезонларини кенг тарғиб этишда фаоллик кўрсатмоқдалар.

Оқила ва зукко кизлар сафининг кенгайишида ушбу тўғарақларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Танловда республикамизнинг ҳар бир ҳудудидан 10 нафардан, жами 140 нафар қизлар 14 та жамоага биришган ҳолда беллашишди. Бу жамоалар аъзолари танловнинг куйи босқичларида иштирок этган 35 мингга яқин қизлар орасидан ўзининг зукколиги, чаққонлиги, топқирлиги туйғулари республика босқичига етиб келган оқила кизлардир.

— Танловдан жуда катта таассуротлар олдик, — дейди Жиззах вилоятининг "Жиззах юлдузлари" жамоаси аъзоси Сайёра Асророва. — Бугун бизнинг билим олишимиз, ўз салоҳиятимизни намоён этишимиз

учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилган. Биз ёшлардан талаб этиладигани эса чуқур билим олишдир. Бу каби танловларнинг ўтказилиши бизни Ватанимизни янада севишга, маърифий-маънавий соҳадаги билимларимизни юксалтиришга, турли йўللار билан кириб келаётган ёшлар ва мафкуралар таъсиридан ҳимояланишга, оила муқаддаслигини теран англаб етишга ўргатади. Айни чоғда зиммамизга тенгдошларимиз орасида ташаббускорликни қўлга олиш, уларга ўрнак бўлиб, ҳаётда ўз ўринларини топа биладиган, маънавияти юксак қизлар бўлиб етишиш гоёларини илгари суриш вазифаси ҳам юқланади. Биз жамоамиз аъзолари билан бугунги тадбирнинг мазмун-моҳиятини дугоналаримизга етказиш, шу орқали улар ўртасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга ҳисса қўшиши мақсад қилаяпмиз.

Кўрик-танловда Наманган вилоятининг "Наманган гуллари" жамоасига голиблик насиб этган бўлса, Тошкент вилояти "Намуна" жамоасининг зукко кизлари 2-ўринни, Қашқадарё вилоятининг "Нафосат", Сурхондарё вилоятининг "Сурхон гавҳари" жамоалари эса 3-ўринни эгаллашди.

Танлов якунида голиб жамоаларга сертификат ва совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

Мадина
АЛЛАБЕРГАНОВА,
"Оила ва жамият"
мухбири.

Тадбир

ЁШЛАР
ТАРБИЯСИ —
МУҲИМ
МАСАЛА

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар ўртасида маърифий-тарбиявий ишларни кучайтириш ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, фарзандларимизнинг онги ва фикрлаш даражасини ўстириш, дунёқарашини кенгайтириш, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш мақсадида жойларда маънавий-маърифий ишлар олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани тергов бўлимида ҳам бу борада бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. 97-сонли мактабда туман ҳокимлиги, туман прокуратураси вакиллари, Юнусобод туманида жойлашган мактабларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, синф раҳбарлари, метод бирлашма раислари, мактаб психологлари, маҳалла маслаҳатчилари, "Камолот" ЁИХ етакчилари иштирокида "Воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этилишининг олдини олиш" мавзусида ўтказилган ўқув семинари ҳамда Юнусобод дизайн касб-хунар коллежи ҳамда Тошкент ПТИ қошидаги академик лицей ўқувчилари ўртасида "Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар, қонунчиликка киритилган охириги ўзгариш ва кўшимчалар ҳамда ёшларнинг бузғунчи гоёлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш" мавзусидаги маърифий суҳбат ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Қахрамон
ХУДАЙБЕРГАНОВ,
Тошкент шаҳар
Юнусобод тумани ИИБ
тергов бўлими терговчиси,
катта лейтенант.

СПОРТ МАЛИКАСИ

Ўзбек жанг санъати миллий терма жамоаси мураббийи, тўрт карра жаҳон чемпиони Мафтуна Худоборова жорий йилнинг октябр ойида ўтказилган "Шарк яккакурашлари маликаси - 2014" анъанавий кўрик-танловда голибликни қўлга киритди. Бу йил спорт маликаси учун ҳам омадли, ҳам бахтли келди, десак муболаға эмас. Яқинда Мафтуна таэквон-до бўйича Осиё чемпиони Фарход Шерматов билан турмуш қуриб, оила аталмиш муқаддас даргоҳга қадам қўйди.

— Омад ўз-ўзидан келмайди, унга эришиш учун астойдил меҳнат қилиш керак, — дейди Мафтуна Худоборова биз билан суҳбатда. — Бахтни эса ҳар бир инсоннинг феъл-атвори қараб бериладиган тақдир тухфаси деб ҳасоблайман. Эзгу мақсадга эришиш учун ҳар бир одам метиндек ирода билан ўзини назорат қила билиши, касбига масъулият билан сидқидилдан ёндашиши керак. Меҳнат ва изланишлар, албатта, бир куни юзага чиқади. Ота-боболаримиз: "Сабр қилган, синовларга чидаган одам, албатта, ўз мақсадида етади ва ҳаётда ўз ўзини топади", деб бежиз айтишмаган. Мен ҳам бошқа тенгдошларим қатори ҳаётда ўз ўринини топиш учун

юртимизда яратилган имкониятлардан фойдаланиб, шундай ютуқларга эришдим. Ҳар бир киз орзу қилганидек, ке-



лажақда яхши хонадоннинг бекаси бўлишни истайман. Тақдир менга ўзим орзу қилганимдан ҳам зиёда бахт берди. Турмуш ўртоғим ҳам спорт устаси. Қайнона-қайнотам эса жуда бамаъни ва зиёли инсонлар.

Беш ёшдан бошлаб спортнинг таэквон-до тури билан шуғуллана бошлаган Мафтуна, икки йилдан сўнг ўзбек жанг санъати сирларини ҳам ўргана бошлади. Биринчи устози Луиза Сагитова шогирдининг митти юрагидаги улкан ғайратни кўриб, у билан жиҳдий шуғулланди. Мафтунанинг спортга бўлган меҳри ва изланишлари уни муваффақиятлар сари етаклади. 2009 йили Ўзбек жанг санъати бўйича мам-

лакатимизнинг ўсмирлар терма жамоасига қабул қилиниши Мафтунага катта имконият эшикларини очди. У Корея, Франция, АҚШда ўтказилган Бутунжаҳон шарк яккакурашлари фестивалида ўсмирлар терма жамоаси сафида ўз маҳоратини намойиш этиб, тўрт карра олтин медални қўлга киритди.

— Икки рақиб жангга киришар экан, бири голиб, иккинчиси мағлуб бўлиши тайин, — дейди Мафтуна. — Ана шундай пайтда дуога қўл очиб, омад тилаб мени мусобақага кузатган ота-онам кўз олдимга келади. Устозимнинг менга бўлган ишончини оқлаш учун астойдил галаба сари интиламан. Халқаро мусобақаларда эса Ватаним шарафини ҳимоя қилаётганимни ҳис этишининг ўзиёқ менга жуда катта куч беради. Муваффақиятларимда устозларим Одил Дадабоев ҳамда Акмал Салиевлар берган сабоқларнинг ўрни бекиёс. Уларнинг буюк аждодларимиз мероси ҳисобланган жанг санъатини ривожлантириш, ёшларни иродали ва ватанпарвар этиб тарбиялаш ва уларнинг иқтидорини юзага чиқариш борасида олиб бораётган машаққатли фаолиятлари натижасида ўзбек спортчилари ҳам дунё миқёсида муносиб ютуқларга эришаётганидан бошим осмонга етади.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

Гурур

ИШОНЧЛИ
ҲАМКОР

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Давлат солиқ кўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирилик, тижорат банклари ҳамда Халқаро молия корпорацияси вакиллари иштирокида Ўзбекистонда кредитлаш тизимининг жаҳон рейтингига эгаллаётган ўрнига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, банк тизими томонидан ўтган йиллар давомида кредитлашнинг тартиб-қоидалари содда-лаштирилганлиги, йиллик фоиз ставкаларининг пайсатиртилганлиги тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар учун янада қулайлик яратмоқда.

Яқинда Халқаро молия корпорацияси ва Жаҳон банки эълон қилган ҳисоботида Ўзбекистонда кредитлаш тизими жаҳон рейтингига ўтган йилга нисбатан 26 поғона юқорилгани қайд этилди. Бундай ижобий натижада хорижий сармоядорларнинг мамлакатимизга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Ўз мухбиримиз.

ОИЛА ЧАРОҒБОНИ

бўлмиш сармақандлик хотин-қизлар фаолиятига бир назар

Муҳаббат, ибрат донишмандлик

— Асада, оиланинг хотиржамлиги нафақат оила аъзолари, балки жамият учун ҳам муҳим аҳамият касб этади, — дейди **Сармақанд вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Нигора Раббимова**. — Мамакатимизда азалдан оила улуг даргоҳ сифатида эъзоз топган. Ҳар бир оила аъзосининг ўз ўрни ва вазифалари, масъулиятлари маълум бўлиб, уларга ҳамма амал қилишга интиланган. Бугун бу удум ва одалатни тўла шакллантириш мушкулдир, аммо оиланинг тотувлигини асраш, уни маънан қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Уларнинг тотувлигида эса иқтисодий-ижтимоий, тиббий омиллар муҳим. Давлат дастурлари, турли жамоат ташкилотлари томонидан эса шу омиллар алоҳида эътиборга олинган ҳолда тизимли равишда ишлар олиб борилаётир.

Миллий ва умуминсоний кадрятларни мустаҳкамлаш, шунингдек, мамлакатимиз келажакнинг эгалари ва ижодкорлари бўлган соғлом, баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг роли ва аҳамиятини тушунириш учун вилоят хотин-қизлар кўмитаси томонидан «Оила — жамиятнинг муҳим бўғини», «Ватан тараққиёти оиладан бошланади», «Инсон маънавияти манбаи — она муҳаббати, отанинг муносиб ибрати ва авлодлар донишмандлиги», «Замоनावий оилани шакллантиришда бой миллий ва оилавий анъаналар ҳамда маданий кадрятларнинг роли» каби мавзуларда 3000 дан ортиқ тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди. Унда 112500 нафар аҳоли иштирок этди.

Намунали оилаларнинг тарғиботини кучайтириш мақсадида «Энг намунали оила» республика кўрик-танловининг шаҳар ва туман босқичи ўтказилди. Айтиш керакки, оилада маънавий муҳит билан бир қаторда ота-онанинг соғлом бўлиши, баркамол фарзандлар вояга етказишнинг муҳим мезони саналади. Бу борада мамлакатимизда тизимли ишлар йўлга қўйилиб, ҳар йили давлат дастурларида бунга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мисол учун жорий йилда вилоятда 8842 та никоҳлар қайд қилинган бўлиб, 17625 нафар никоҳланувчилар тиббий кўриқдан ўтказилган. Кишлоқ жойларида яшовчи ҳомиладор аёлларни поливитаминаларнинг махсус комплекслари билан бепул таъминлаши изчил давом эттирилмоқда.

Маҳаллаларда тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда «Саломатлик» сектори фаолияти доирасида аҳоли ўртасида олиб борилаётган тиббий кўриқлар ва уларнинг тиббий савдоҳонлигини оширишни мониторинг қилиш мақсадида 3,2 минг аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди.

Шунингдек, хотин-қизларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шу орқали оиласи фаровонлигига кўмак бериш алоҳида аҳамият касб этади.

Замоनावий

Ўзбек аёли ким?


— Давралар, йиғинларда шу каби саволлар тез-тез такрорланади. А-

лида бугун оиласининг тотувлигига ҳисса қўшиб, фарзандларининг замонавий таълим-тарбия олишида камарбаста уй бекаси ҳам тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, ўз иқтидорини намойиш этаётган хотин-қизлар ҳам жамиятнинг фаоли саналади, — дейди **Пайриқ туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси, «Шухрат» медали соҳибаси Фариди Ахтамова**. — Туманимиз мисолида айтадиган бўлсам, бугун ҳудудда 116 минг тўрт юз нафар хотин-қизлар 47 мингдан зиёд оилаларда истиқомат қилади. Бу хотин-қизларнинг 82 нафари раҳбар лавозимда сармалари меҳнат қилмоқда. Таълим-тарбия соҳасида уч минг, соғлиқни сақлаш соҳасида эса бир ярим мингдан зиёд хотин-қизлар фаолият юритади. Тадбиркорлар,

намойиш этаётир. Бу аёллар, қизларни бугунги замонавий ўзбек аёлининг тимсоли десак, муболаға эмас.

Қўли гул чеварлар

Таъкидлаш ўринлики, Сармақанд азал-азалдан қўли гул хунарамандлар маркази сифатида етти иккимга машхур бўлган. Бу ҳудудда аёллар қадимдан хунара эгаси сифатида оиласига даромад келтира бошлаган. Хунараманд аёллар учун яратилган кенг шарт-шароитлар туфайли айна пайтда уларнинг маҳсулотларига қизиқиш ортиб, бу маҳсулотларнинг турлари кўпаймоқда. Жорий йилда хунараманд аёлларни расмий тарзда банд қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 14 мингдан ортиқ (3,5 минг нафари хо-



тин-қизлар) норасмий хунарамандлар аниқланиб, уларни босқичма-босқич расмий тарзда банд қилиш ишлари олиб борилиб, улар ўртасида қонунчиликда белгиланган хунараманд касаначиларга берилган имтиёзлар ва энгилликлар ҳақида тўлиқ маълумотлар бериб берилмоқда.

— Қарийб 16 йилдан буён вилоят «Хунараманд» уюшмаси халқ бадий хунарамандчилиги ва амалий санъати билан шуғулланаётган кўплаб аёлларга ўз бизнесини йўлга қўйиш ҳамда фаолиятини кенгайтиришга яқиндан кўмак бериб келмоқда, — дейди «Хунараманд» уюшмаси вилоят бошқармаси раиси **Ақобир Ҳакимов**. — Масалан, уй шароитида шуғулланадиган аксарият хунарамандларимиз ўз маҳсулотини сотиш ва намойиш этишда айрим тўсиқларга дуч келганлиги боис уюшма улар ясаган буюмларни сотувини ташкил этиш ва экспортга чиқаришда кўмаклашмоқда. Шунингдек, улар уюшмага аъзо бўлган, даромад солиғи ҳамда ўзлари ясаган буюмларини мамлакатимиздан ташқарида сотиш, турли савдо ярмаркалари ва кўргазмаларга боришда бож тўлашдан озод қилинади. Энг муҳими, хунарамандлар ижтимоий суғурта қилиниб, иш даври белгиланган тартибда меҳнат стажига қўшилади.

Натижада туманларда ҳам қатор ёшлар халқаро танлов, мусобақа, олимпиадаларда муносиб ўрин эгалламоқда, қўли гул хунарамандлар хориж кўргазмаларида ўз маҳсулотини

зардўзлик, касаначилик, миниатюра, ранг-тасвир ва наққошлик, сирли безак, миллий кўғирчоқлар ясаш каби хунара турлари билан шуғулланишди. Шу йилнинг ўзида 27 нафар хунараманд хотин-қизларимиз уюшма аъзоллигига қабул қилинди. Уларнинг кўпчилиги ҳозирда фақат яққа тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланибгина қолмай, балки ўзлари мустакил равишда янги иш ўринларини ҳам яратишмоқда.

Хунараманд хотин-қизларимиз орасида кўплаб танлов ва халқаро кўргазмалар, фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб келётганлар кўпчилиги ташкил этади. Сармақанд шаҳридан Шоира Ғаниева ва уруглик Кубарро Тўраеванинг Президентимиз Фармонида биноан «Дўстлик» ордени билан тақдирланганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ амалий санъати ва бадий хунарамандчилигини давом эттириш мақсадида ҳозирда 12 та яқин «Устоз-шогирд» мактабларида ёшлар хунара сирларини ўрганишмоқда. Жумладан, уруглик каштадўз Мавлуда Ҳамдамова ҳам бу анъанага содиқ қолиб, ёш авлодга бу ноёб касб сирларидан сабоқ бериб келмоқда.

— Каштачилик билан шуғулланиш оилавий анъанага айланган, — дейди **биз билан суҳбатда Мавлуда опа**. — Бу хунара қизларим, келинларим, ва маҳаллаимиз хотин-қизларига ҳам ўргатаймиз. Ҳозирда 50 дан ортиқ шогирдларим бор. Улар тайёрлаётган кашталар, ёстиқ жилдлари, зардевор, сўзанаю палаклар харидоргир. Шу хунараманд ордани уюшманинг кўмаги остида оилавий бизнесимни ҳам йўлга қўйдим.

Сўнгсўз ўрнида

Бугун вилоятдаги барча таълим муассасаларида 31,5 минг нафар муаллима-устозлар фарзандларимизга таълим-тарбия бериб, хунара ўргатишмоқда. Олий, ўрта махсус касб-хунара таълими муассасаларида 16 нафар фан доктори, 220 нафар фан номзоди фаолият юритмоқда.

Эл-юрт соғлигини муҳофаза қилётган олий маълумотли шифокорларнинг 50 фоиздан кўпрогини, ўрта махсус маълумотга эга бўлган ҳамшираларнинг 75 фоизини хотин-қизларимиз ташкил этади. Вилоятимиздаги 77 нафар хотин-қизлар маҳаллий кенгашларнинг депутати сифатида сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб келяпти.

Айна пайтда вилоят халқ таълими тизимидаги муассасаларда спорт билан мунтазам шуғулланиб келётган 214 минг нафар ўқувчиларнинг 32 фоизини, ўрта махсус, касб-хунара таълими муассасаларида 37 фоизини қизлар ташкил этмоқда. Бугунга қадар вилоятимиздан 15 нафар истеъдодли қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ қўрилди.

Асида шу рақамларнинг ўзиёқ бугун хотин-қизларнинг жамиятдаги фаол иштирокини кўрсатиб беради. Аммо рақамлар нисбий. Сабаби, бугун кўнглида энг юксак марраларни кўзламаган қизларнинг ўзи кам. Бу эса уларнинг шижоат, билим ва тафаккур ила ҳаракати келгусидаги мақсадлар рўёби билан уйғунлаштиридан дарак беради.

Гулрух МҶМИНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири,
Сармақанд вилояти.

**Ушбу лойиҳа Ўзбекистон
Хотин-қизлар кўмитаси билан
ҳамкорликда тайёрланди.**

Муҳаммадсоли Юсупов “Темир хотин”, “Тошкентга саёҳат”, “Амир Темур ва Тўхтамишхон”, “Сени соғиндим” спектаклларида Кўчқор, Асомбой, Тўхтамишхон, полковник Султон ота каби бетакрор образлари орқали санъатсевар халқимизнинг меҳрини қозонган.

**Муҳаммадсоли ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ артисти:**

“ТЕМИР БОБО” ЛИК ҚАРЗИНИ УЗИШИМ КЕРАК

— Муҳаммадсоли ака, айрим актёрлар санъат оламига илк пойдевори болаликдаёқ кўйиб улгуршади. Эшитишимизча, сиз бу соҳани тасодифан танлаган экансиз...

— Болалигим Фаргона вилоятининг Тошлоқ туманига қаршли Конизар маҳалласида ўтган. У пайтлар кишлоқда маданият саройи ёки клублар йўқ эди. Маҳалламизда санокли одамларни кўриш дагина телевизор бўларди. Ўтган асрнинг олтинчи йиллари охирида телеминиатюралар театри актёрлари Хусан Шарипов, Эргаш Каримов ҳамда Хасан Йўлдошев иштирокидаги миниатюраларни мириқиб томоша қилардик. Айниқса, Гафур Фуломнинг кичик-кичик қисмларга бўлиб, эфирга узатилган “Шум бола”сида Хайрулла Саъдиев бош ролни меъёрига етказиб ижро этарди. Мактабимизда ўқизиладиган тадбирларда бир оғайим билан уларга таклид қилиб, томошалар кўрсатиб юрардик. Аммо катта бўлсам, актёр бўламан, деб ўйламаганман. Шифокор бўлишни оруз қилардим. Ўрта мактабни тугатиб, биринчи йили Самарқанд, кейинги йили Андижон давлат тиббиёт институтига ҳужжатларимни топширдим, аммо кириш имтиҳонларидан ўта олмадим. Дадам Абдуллажон Юсупов (охиратлари обод бўлсин) Марғилон ипак ишлаб чиқариш комбинатида ишчи бўлиб ишларди. Ўзимни ҳар томонга ураётганимни кўриб: “Юр, ўғлим, мен сени бир жойга олиб бораман”, деб ўзи ишлайдиган комбинатга уста ёрдамчиси қилиб ишга жойлаб кўйдим. Пахта мавсумида ҳашарга олиб кетишди. Бир оғайимнинг онаси чалпақ пишириб, газетга ўраб берган экан. Тасодифан қарангки, тушлик қилиб бўлгач, газетга кўз югуртириб ўтириб: “Тошкент давлат театр ва расомчилик институтида тайёрлов бўлими очилди, хоҳловчилар келиши мумкин”, деган эълонни ўқиб қолдим, денг. Уйга келиб: “Дада, мени ўша ёққа олиб бориң, охири марта ўзимни синаб кўрайин, агар танловдан ўттолсам, қайтиб бирорта институтнинг эшигига яқин йўламайман, шу ерда ишлайвераман”, деб илтимос қилдим. Дадам рози бўлди. Тақдирим санъат билан боғланган экан, 1973 йили ўша институтнинг биринчи курсига қабул қилиндим.

Йиллар ҳам шамолдай ўтиб кетди. Яхшими, ёмонми, ўнлаб катта-кичик образлар-



ни талқин этдим, энди у ёғини томошабин баҳолайди. Бугунги кунда Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги Фаргона вилоят мусикали драма ва комедия театрида бадий раҳбарман. Кўпчилик муҳлис-лар: “Нима учун пойтахтда яшаб, ижод қилмайсиз?” деб сўрашади. Тўғри, Тошкентдаги номдор театрлардан таклифлар бўлган. Лекин, шахсан мен, бошқаларни билмадим-у, иқтидорли инсон учун манзил ёки маконнинг эмас, аксинча, муҳитнинг ўрни катта эканлигини исботлашга имкон қадар ҳаракат қилдим. Қадрдон театримнинг аҳил жамоаси қўллаб-қувватлаганлиги боис, эл орасида обрў топдим.

Онам Ойшахон ая Акбарова бир умр дадам билан бирга Марғилондаги ипак комбинатида ишлаган. Ҳозир 84 ёшда. Кенжа укам билан бирга туради. Онанинг кўнгли болада, деганлари рост-да, бўлмаса, ҳалиям кўнгирак қилиб, ҳолаҳвол сўрасам: “Ўғлим, яхши юрибсанми, ёмонларга қўшилмагин, эҳтиёт бўл”, деб насиҳат қилади.

— Фаргона вилоят мусикали драма ва комедия театридаги бугунги ижодий жараёни ҳусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Театримиз ўзининг асосий ижодий йўналишини, аввало, замондошларимиз образини яратиб беришга қаратаётганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. 2011 йилда драматурглар Охунжон Ҳакимов ҳамда Сайдали Одиловлар қаламига мансуб “Бошқача одамлар” деб номланган спектаклни саҳналаштирдик. Бу асар ёшларимизнинг ўзи танлаган касбга бўлган меҳри ҳамма нарсадан устун чиққанлиги ҳақида ҳикоя қилади. Драматург Абдуғани Абдуғофуров ҳамда Маҳмуд Комилжоновлар қаламига мансуб

“Сени соғиндим” деб номланган асарда эса ички ишлар соҳасида узоқ йиллар ишлаган полковник Султон ота нафақада бўлса ҳам бугунги кун билан бирга яшаётганлиги, маҳалласи, кўни-қўшилари ҳаётига бефарқ эмаслиги, нопокликларга қарши курашни ўз оиласидан бошлаётганлиги кўрсатиб берилган. Айни пайтда Ҳайитмат Расулнинг “Кўйинг менга ўз юрагимни”, деб номланган асари устидая ишляяпмиз.

Ўзбекистон халқ артисти Ёркиной Ҳотамова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холматжон Икромов ҳамда актёрлардан Малоҳат Тоирова, Адҳамжон Акрамов, Адҳамжон Қирғизбоев, Акмалжон Мирзаев, Маъмура Исроиловалар театримиз ижодий нуфузининг ошишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишяпти.

— “Темир хотин” спектакли намоёйиш этилганига 26 йил бўлибди. Ўша кезлардаги аёллар билан бугунги кун оналари ўртасида қандай фарқни сезасиз?

— Энг аввало, уларнинг гўзаллиги, меҳрибонлиги, дилбарлиги, ёрга вафодорлиги, кўнгилларининг нозиклиги, саришталиги каби ўзгармас таърифларини айтмасам бўлмас. Бугунги кунда уларнинг дунёқарашини, ҳаётга бўлган муносабати теранлашиб, ҳатто тезлашиб кетди. Эслайсизми, “Темир хотин” спектаклининг охирида Кўчқорнинг: “Мен бунга бола тарбиялаб бер, демаган бўлсам, қўйналиб бола туғмаган бўлса, ўзбек аёли қилган ишининг ярминигани қилгани йўқ-ку, нимага уни мен ўлдирган бўламан”, деган гапи бор. Шундан ҳам ўзбек аёллари темирдан бардошли эканлигини билса бўлади. Биз эркаклар аёлларимиз-



Гурунг

нинг яшаш шароитларини, ҳаёт тарзини янада яхшилашимиз, фарзандларимиз тарбиясида масъулиятни тенгма-тенг зиммамизга олишимиз, рўзгордаги майда-чуйда ташвишлар билан уларнинг қалбларини, юракларини зада қилмаслигимиз керак. Кечкурун ишдан уйга қайтаётганда бир дона гул келтириб, аёлимизга берсак, яхши гапириб, кўнглини кўтарсак ҳам оилада илиқ муносабатлар шаклланиб бораверади ва тотувлик мустаҳкамланади.

— Кўпчилик одамлар эрталаб ишга, кечкурун оила даврасига ошиқади. Кунлари тинч-хотиржам ўтаётганидан хурсанд бўлишади. Сиз шахсан қандай кун тартибига риоя қиласиз?

— Агар кимдир бўш қолса, демак, ўша бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилади. Менда эса бўш вақтнинг ўзи йўқ. Эрталаб нуношадан сўнг соат саккиз яримдан ўнгача Фаргона шаҳар санъат коллежида “Актёрлик санъати” кафедрасида ўқувчиларга сабоқ бераман. Соат ўндан иккигача театрда репетицияда бўламан. Тўшдан кейин яна коллежда дарс ўтаман. Сўнгра театрда спектакль намоёйиши билан банд бўламан. Кечкурун уйга бориб, тамадди қилиш ва китоб ўқишга озгина вақт қолади. Аммо ҳар бир куним мазмунан бой кечади. Чунки мен ёшлар билан ишлайман. Улардаги ғайрат-шижоат менга ҳам юқади.

— Яхши ота бўлишнинг қандай сирлари бор?

— Фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш, уларни юртга, кўни-қўшни, маҳаллага нафи тегадиган қилиб тарбиялашнинг ўзи ҳам катта бахт. Ўғил-қизларга ота-онани ардоқлаш, хурматлаш кераклигини тушунтира билиш ҳам санъат. Агар улар сизнинг насиҳатларингизга қулоқ тўтса ва амал қилса, демак, сиз тўғри яшаётган экансиз.

Уч ўғил, икки қизимиз бор. Аёлим Саломатхон Тожибоева Фаргона шаҳар санъат коллежида “Актёрлик маҳорати” фанидан дарс беради. Катта қизим Ферузахон мен етолмаган орзуларга эришиб, шифокор бўлган. Тўнғич ўғлим Сарварбек композитор, Муқимий номидаги Ўзбек давлат муסיкий театрида ишлайди. Санжарбек ҳам санъат йўлидан бораётган. Муҳаммадсодиқ Малайзияда ўқиш учун тайёргарлик кўраётти, кенжатайим Дилфуза талаба. Етти нафар неварам бор. Олдин оталик масъулияти билан яшаган бўлсам, бугун боёблик масъулияти мени икки қарра кўпроқ меҳнат қилиш ва изланишга қорлаяпти. Энди “темир бобо”лик қарзини узишим керак.

“Оила ва жамият”
муҳбири
Нигора РАХМОНОВА
сўхбатлашди.



САНДУЛОЧ – тилимизда сайроқи куш булбулни фақат бир сўз билан, яъни “булбул” сўзи билан ифодалаймиз. Лекин булбулни қадимда боболаримиз “сандулоч” деб ҳам аташган. Гарчи ҳозирги тилимизда “сандулоч” сўзи ишлатилмай қолган бўлса-да, бу сўз адабий асарларда ҳамон яшаб келмоқда.

“Девону луготит турк”да сайрар сандулоч,

Кўкшин япроқларда янграйди баҳор.

Хуршид
Даврон

ИЛҲАҚ – тилимизда “илҳақ” сўзи умидворлик билан кутиш, муштоқлик, мунтазирлик каби маъноларни англатади. Бироқ “илҳақ” сўзининг туб илдизи ҳозирги мазмунидан фарқ қилади. Бу сўзнинг туб илдизи “қўшиш”, “боғлаш” деган маъноларни ифодалаган.

Касаллик, ўлим тўғрисидаги гап тугаб, хушчақчақ сўхбат бошланишига илҳақ бўлиб турган Акромжон Мастура бошлаган ҳажвияни илии кетди.

Абдулла Қаҳҳор

КИНДИК – қориндаги болани йўлдош орқали она танаси билан бирлаштирувчи, болани озиқ моддалар билан таъминлаш учун хизмат қилувчи ичак-най маъносини англатган бу сўзнинг туб маъноси “туташтир, бирлаштир” деган маънони билдирган “кин” сўзидан келиб чиққан.

Киндик қоним тўкилган тупроқ...

Журналдан

ЛАВАНГ – бу сўзнинг тилимизда “лаванд” шакли ҳам бор. Тилимизда бўш, дангаса, бекорчи, ўзини ўзи уйда қилолмайдиган, қўлидан бирор иш келмайдиган, бўшанг, ношуд одамларга нисбатан “лаванг” сўзи қўлланилади.

Боқ энди ибрат ила, бўлма кўп лаванду гўл.

Ҳабибий

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

КЎНГЛИ ОБОД ОДАМЛАР

Пискентлик устоз журналист Собиржон ота Иномов ҳамда рафиқаси Сайёра опа кўпчиликка ибрат бўлгулик умр кечиришмоқда десак, муболаға эмас. Уларни йўқлаб борганимизда бизни хонадон соҳиби — устоз Собиржон ота кутиб олдилар. Оддийгина кишлоқ хонадони. Тўрт томони узумзор-тоқзор, шафтоли-ўрик дарахтларию, осмонга бўй чўзган тераклар билан куршалган ҳовли сўлим, сокин ва жимжит. Дарвозадан ичкарига қадам қўйишингиз билан кўнглингизга хотиржамлик инади. Салом-алиқдан сўнг Собиржон ота бизни ичкари уйга таклиф қилди.

“Собиржон отанинг аёллари Сайёра опа 32 йилдан бери ногирон, юра олмайди, устоз турмуш ўртоғини кафтида кўтариб, эъзозлаб келгилар”, деган гапни эшитганимда, Сайёра опани, касалманд, захил юзли, инжиқ бемор қиёфасида тасаввур этганимда. Аммо тўрдаги ўриндиқда савлат тўкиб ўтирган, чехраси гўзал, юзи нурли, қарашлари ўткир аёл тасаввурларимни бир лаҳзада синдириб юборди.

— Биз ҳақимизда ёзмоқчи экансиз, қизим, кўриб турганингиздек, боримиз шу, — деди Собиржон ота. — Иккимизнинг ҳам жисмимизда нуқсонимиз бўлса-да, қалбимиз бут, кўнгли дунейимиз обод.

Бир пиёла чой устида суҳбатимиз давом этди.

СОБИРЖОН ОТАНИНГ ХИКОЯСИ:

— Аслида, кўп гапирсам, миннатга ўхшайдан чўчийман, қизим. Баъзан ўз иродамга ўзим қойил қоламан. Аянгиз 32 йилдан бери юролмайди. Бунинг устига, ўзим ҳам ногиронман. Сайёраон шу аҳволга тушиб қолган кезлари “Энди ногирон хотин билан умрингни ўтказасанми? Ажрашиб қўя қол, ҳали ёшсан, ҳаёт инсонга бир марта берилади”, деган маслаҳатларини ҳам эшитдим. Бу гаплардан юрагим қон йиғларди. Ахир мана шу ярим жон аёл, бир пайтлар ўйнаб-қулиб юрган, менинг муҳаббатимни қозонган гўзал ва чаққон қиз эдику! Ахир бу дардни у ўзи ис-

таб қақирмади. Шу ўйлар билан хиёнатдан, разолатдан узоқ юрдим. Покизалик матосига сабримни ўрадим ва бундан афсусланмайман.

34 йил туманимиздаги “Пискент ҳаёти” газетасида



ишладим. Юртбошимиз томонидан камтарона меҳнатларим юксак баҳоланиб, 2007 йилда “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирландим. Олтмишдан ошиб қолган бўлсам-да, ижоддан тўхтаганим йўқ. Ўн йил давомида “Қўмсаш”, “Наҳот кўприги”, “Тун бағридаги шарпа”, “Ҳаёт иншоши”, “Чинорлар узоқ яшайди”, “Қўзлари нигорон”, “Йўл бўйлаб” номли катор хикоя ва киссалар тўпламларини нашрдан чиқардим. 2008 йилда Сайёраоннинг “Умид-ли дунё” деб номланган хикоялар тўпламини нашр эттирдим. Ёшлгимда касбимга садоқат билан меҳнат қилдим, боғимизда ишлаб ўзим етиштирган узумларни бозорда сотдим. Болаларимни ҳеч қимдан кам қилмай ўстирдим. Уларни ўқитиб, оилани қилганимдан сўнггина энгил тортидим, кўнглим хотиржам бўлди. Айни пайтда ҳам ижод билан машғулман ва шу бахтдан мени айирмагани учун Яратганга беадад шукрлар айтаман.

САЙЁРА АЯНИНГ ХИКОЯСИ:

— Шунча йил давомида умид билан яшадим. Умр йўлдошимнинг “Сайёр, Фарғонада зўр табиб чиқибди, сени олиб бораман, албатта тузаласан!” “Гўзалим, Самарқанда кучли дўхтир бор

экан, сени олиб бораман, албатта оёққа турасан!” деб эшиқдан хушнуд кириб келишлари худди эртагаёқ

ман!

Тўрт фарзандимиз ҳам олий маълумотли. Қизларимиз борган жойида иззатли, обрўли, эътиборли келин бўлишди. Уларни олий ўқув юртларида ўқитиб, касб-корли қилиш билан бирга, оилада аёл киши, бека учун зарур хунарларни, аёлга зийнат фазилатларни ўргатдик. Шукурки, отаси иккимизга раҳматлар, эҳтиромлар олиб келишяпти. Бир муаллима, бири шифокор-стоматолог. Ўғилларимиз тадбиркор. Келинлар уйимизга қиз бўлиб келган. Куёвларимиз ҳам биз учун ўғил мартабасидалар. Тўққиз неваранинг бобо-бувисимиз. Ўғилларимизга уйлар қуриб бердик, болаларимиз, невараларимизга тўйлар қилдик. Бир ота-она, бир эрхотин орзу қилган саодатга эришдик.

Маҳалла-қўйда ҳам хурмат-эътиборимиз аъло даражада. Тўй-маросимларга чиқолмайман. Маҳалладошлар қиз узатса ҳам, ўғил уйлантиришса ҳам келинчакни чиройли ясантириб, саломга олиб келишади. Катталар ёш келин-куёвни дуо қилиб, оқ фотиҳа беришимизни, турмуш машаққатларига сабрқаноатли, бир-бирига муҳаббат ва садоқатли бўлишларини тилашимизни сўрашади. Уйимиз ҳамisha меҳмонлар билан гавжум. Бировнинг: “Эр-хотин иккалови ҳам ногирон”, деган маънода қараганини сезмайман. Аксинча, ҳамжиҳат, иноқ ва аҳиллигимизга ҳавас қилишади. Шунданми, озгина имкониятимиз чекланганлиги ҳам эсимиздан чиқиб кетган...

Ҳаёт синовларида бир-бирига суянчиқ бўлиб яшаган бу икки инсоннинг файзли, баракали оиласига кўпчилик ҳавас қилади. Собиржон ота ҳақида гап кетганда эса: “Шу инсонга қойил қоламан! Иродасига балли, жаннат инсон экан!” деган таъриф беришади. Мана шу эътироф олдида бу бағрикенг одамнинг умри давомида чеккан заҳматларининг захри синса, ажабмас.

Умида АДИЗОВА,
журналист.

СОҒЛИГИМИЗ — БОЙЛИГИМИЗ

ҚОРИН НЕГА ОҒРИЙДИ?

Олий тоифали шифокор
Арофат ТУРДИЕВА тавсиялари:

— Саломатлигидан ҳеч нолимайдиган кишилар ҳам баъзида қорин оғригидан шикоят қилиб қолишади. Бундай ҳолат кўпинча қуз фаслида кўпаяди. Чунки айнан мана шу даврда инсон саломатлиги учун дармондориларга бой, танага куч бахш этувчи турли хил мева ва сабзавотлар пишиб етилади. Уларни истеъмол қилган, ортидан қайнатилмаган сув ёки бошқа турдаги ичимлик ичиш қоринда ел (газ) йиғилишига олиб келади. Бу ҳасталик — метеоризм, деб аталади. Касаллик бошланган вақтда ёғли ҳамда қовурилган овқатлар, клетчаткага бой махсулотлар, соя, нўхат, ловия, гулқарам, оқ бош қарам, бодринг, нок ва шу каби ичкаларда газ тўпланишига сабаб бўлувчи махсулотларни истеъмол қилмаслик керак. Шунингдек, қорин дам бўлишига, шошиб, яхшилаб чайналмай ютилган овқатлар натижасида келиб чиққан ҳижикоч (аэрофагия) ҳам сабаб бўлади. Бунинг оқибатида, энг аввало, овқат ҳазм қилиш тизими бузилади. Касаллик зўрайганда нафас олиш қийинлашади. Ҳаттоки юрак атрофида оғриқ пайдо бўлиши ҳам мумкин. Метеоризм ўз вақтида даволанмаса, колит (ич қотиши), сурункали гастрит (меъда яллиғланиши), холецистит (ўт пуфакнинг яллиғланиши) каби ҳасталиклар келиб чиқиши ва авж олиши мумкин.

Ҳар бир одам тетик юришини истаса, касалликларнинг олдини олиш чораларини кўриб юриши керак. Бунинг учун овқатларга ўртача миқдорда кўкатлар қўшиб тановул қилиш, япиз, лимон ўт, тоғ райони ва шунга ўхшаш гиёҳлардан дамламалар тайёрлаб ичиш керак. Уларни чой ёки шарбатларга қўшиб ичиш ҳам мумкин. Янги пишган ноннинг ўрнига бир кун аввал ёпилган ёки суви қочган, каттироқ нон истеъмол қилган маъқул.

Метеоризм қулайган пайтда спиртли ва газли ичимликлар ичиш мутлақо ярамайди. Энг муҳими, шифокор кўрсатмаларига амал қилиш зарур.

Барно МИРОДИЛ қизи
ёзиб олди.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Ҳажон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тиқиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тиқиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирнок, киприк ўстириш ва дипелация — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). Тикувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корей тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тиқиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 81-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Оиламизнинг суюкли дилбанди, кўзимизнинг оқу қораси бўлган неварамиз Мафтуна ИРГАШЕВА!

Сени таваллуд топган кунинг билан чин юракдан муборакбод этамиз. Ота-онанг, қолаверса, барча оила-аъзоларимиз юзини ёруғ этгучи бахт ва иқболга эришишигизга, ўқиш ва ишларингизда омадлар тилаймиз



Самимий эҳтиром билан бобожон, бувижонларинг, тоғажонларинг. Тошкент шаҳри.

Мехмонхонага олиб борадиган йўлак четида, қатор экилган арчалар панасида аллаким билан телефонда анчадан бери гаплашаётган Олтинойнинг ёнгинасидан ўтиб кетган новча йигитга кўзи тушдию, бир неча ажнабий тилларда «Олий даражадаги Евростандартларга жавоб берадиган беш юлдузли шахсий мехмонхона коттеж бор», деб чиройли қилиб ёзилган картон қозони боши узра кўтарди. У мижозига таваққалига, «господин», «мистер», ҳатто «наместе», деб ҳам кўрди. Мехмон «арабия» деган сўзни икки-уч марта таъкидлагач, тарвузи кўлтигидан тушиб:

— Мен арабча билмайман, — деди. — Бироз русча гаплашаман, холос. — Русиш, — деб мехмон бош ирғади.

Кўринишидан 28-30 ёшлардаги новча, озгин бу занжи йигит ўзини Солиҳ ибн Салом деб таништирди. Сўнг эса ижарада туриш шартларига сўзсиз рози бўлди ва гап орасида янги қуриладиган аэропортлар лойиҳаси ва автотранспорт соҳасида ишлаштини, ҳозир офис қуриш учун шахардан ер майдони ажратилаётганини айтди. У қайси мамлакат фуқароси эканлиги ва хизмат вазифаси ҳақида айтолмаслигига алоҳида ургу берди.

Олтинойнинг «Лексус» автомашинаси рулига ўтирганини кўриб, йигит ялтотқаниб хушмад қилди:

— Осиёлик хурлиқо бошқарган автомашинага ўтирдим десам, миллиардер отам, албатта, «Қўли ва қалбини сўра», деган бўлар эди, — деди жилмайиб.

Шаҳар ташқарисида жойлашган икки қаватли, шинам коттеж ибн Саломга ёқди.

Эртаси кун Олтиной ибн Саломнинг олдига дугонаси Гавҳар билан келди. Стол устидаги бир даста суратни қизлар эгасининг рухсати билан бирма-бир кўздан кечирширкан, жуда катта бойнинг арзандасига рўбарў келишганига шак-шубҳалари қолмаганди. Суратларда жаноб Солиҳнинг салобати жиҳатидан подшоҳларнинг саройидан қолишмайдиган уйи манзараси, «Ролс-ройс» автомашинасини бошқариб бораётгани, шахсий яхтаси, ҳатто номи ёзилган спорт самолёти олдига бахтиёр кулиб тургани акс эттирилган эди.

— Меники иккита университетни тамомлаган, — деди рус тилида қийналиб гапирадиган мехмон.

— Москва университети мен ҳақимда китоб чикармоқчи, суратларни шунга олишганди. Телефон қилман, юборишади. Сизлар кўрасиз.

— Бу билан бизни жуда ҳам хурсанд қилган бўлардингиз, — дея зимдан дугонасига қаради Гавҳар, у бу ҳаракати билан: «Маданиятни мендан ўрган, ўртоқжон», демоқчи бўлди.

Аммо Олтиной ҳам ўзини анойилардан эмаслигини рашк ўтида ёнаётган дугонасига шу заҳоти эслатиб қўйди.

— Менимча, бунга овора бўлишнинг сира ҳолати йўқ, — деди у киборларга ҳос сирли табассум билан. — Чунки интеллект, йўқ интеллектуал салоҳияти юксак инсоннинг бир неча университетларни тамомлагани кимда ҳам шубҳа уйготарди.

Гавҳар газабини яширолмади, заҳрини тўкиб-солди:

— Кимлигини билмайсан-у, олдига ўзингни кўрсатиб, бунча ялтотқанмасанг? Бунинг миллионердан кўра, кўпроқ фирибгарга ўхшайди. Бой одам сенинг уйингга зор қолибдимми?

— Вой, ҳозирги бойлар, билсанг, экзотикани, яъни оддий, табиий шартда яшашни исташади, — жавоб қилди Олтиной дугонасининг чимирлиган қошларига эътибор бермай.

— Ҳозир ҳамма фирибгар. Агар

кўлимни сўраса, жон деб тегиб олардим.

Қизлар нималар тўғрисида тортишаётганига тушулмаган Солиҳнинг тоқати-тоқ бўлди, шекилли, гапга аралашди.

— «Ўзбеклар мехмондўст бўлади» дейишганди, — гап бошлади креслога ялпайиб олганча. — Айтинглари-чи, бугун мени ресторанга қайси бирингиз таклиф қилмоқчисиз?

— Вой, бунинг ўтакетган сурбет экан-ку, — деди Гавҳар ростмана аччиқланиб.

— Йўқ, у сурбет эмас, балки дан-

хар. — Нафасингни ел учирсин! — бирдан тутақиб кетди дугонаси. — Нега онами ўлдига чиқарсан? Мен унинг ўрнига ишлаб туриш учун кетяпман, холос.

— Узр, бошдан-оёқ қора кийиб олганинга ёмон хаёлга борибман, — кўз ёшларини арди Гавҳар. — Ҳеч найрангларинг тугамас экан-да!

— Онаминг ўрнига вақтинча бир бойнинг эшигида оқсоч бўлиб ишлашга кетяпман, — тушунтирди Олтиной. — Уларнинг ўлик-тиригинг билан ишлари йўқ, ишга чиқмадингми, бўша-



галчи, мард йигит, — деди иккинчиси ширин жилмайиб

— Индамасам, бу ҳабаш сенга қўшиб, менинг қулгимга ҳам лағмон осмоқчи, — депсинди Гавҳар. — Ўз туғишган укамга бир сўм пулим ўтса, бир ҳафта ухломайману, шу савил қолгунчи ресторанга олиб борарканманми? Ундан кўра, худо берган «Гўзаллик салон»ларимдан хабар олай, менга ўшалардан фойда. Яхшиямки, аям ўз вақтида, керакли жойда пайдо бўлиб, бойвачча эрга тегиб олган экан.

— Бўпти, бўпти, жаҳлинг чиқмасин, — дугонасининг елкасини силади Олтиной.

— Бугун мехмон учаламиз ресторанга борамиз. Кўркма, пулини ўзим тўлайман.

Ҳар доим ҳам бандасининг айтгани бўлавермас экан. Орадан уч кун ўтиб, бир воқеа юз бердики, натижада Гавҳар ва Олтинойнинг тақдирлари бутунлай ўзгариб кетди.

Ҳаммаси Олтинойнинг ярим тунда аэропортдан дугонасига қилган кўнғирогидан бошланди. Гавҳар тақсиди аэропортга етиб келганида, Дубайга учадиган самолётга йўловчиларни рўйхатга олиш якунланаётган экан. У хижобда турган дугонасини дабдурдудан танимади.

— Дубайдан онам кўнғироқ қилиб, тоби қочиб, шифохонага тушиб қолганини хабар қилди, — деди фақат кўзи ва овозидан таниш мулкин бўлган Олтиной. — Зудлик билан етиб боришим керак, ўртоқжон.

— Вой, қандай онам бор эди-я, дугонажон, — дея ўқириб, йиғлаганча Олтинойнинг кучоғига ўзини отди Гав-

тиб юборишади.

— Мени ярим кечада уйқумдан уйғотиб, шунга қақирганидингиз? — энди тутакеш навбати Гавҳарга ўтганди.

— Йўқ, асосий гап бошқа томонда, дея атрофга аланглади Олтиной. — Солиҳ билан ахлу паймон қилгандик. Тўй қилиб, мени ўз юртига олиб кетмоқчи.

— Вой, писмиқ! — хайратини яширолмади дугонаси. — Нахотки ўша қоравойни севиб қолган бўлсанг?

— Қанақа севги, жиннимисан! — жеркиб берди Олтиной. — Шунчаки, калламини ишлатдим. Мақсад, бойлигини қўлга киритиш, кейинчалик у билан яшаш-шамаслигимни вақт кўрсатади.

Дугонасининг устомонлигидан Гавҳар ёқасини ушлади.

— Мен бир ойда қайтаман, — шивирлади дугонасининг қулোগа Олтиной, — кўз-қулқо бўлиб тургин, бошқасига илакишиб кетмасин. Машинами ҳужжатлари билан унга бердим, сўраб қўймади, вақтинча фойдаланармиш.

— Куёвдан жавоб сўрадингизми, ишқилиб, келинбола? — энсаси қотди Гавҳарнинг.

— Нима, менга хўжайинмидики, жавоб сўрайман? Унга «Онам касал, унинг аҳволидан хабар олишга кетяпман», деб айтдим.

Шу пайт радиодан Олтиной учадиган самолётга йўловчиларни чиқариш якунланаётгани эълон қилинди. Дугоналар хайрлашишди.

Ҳасад алангаси инсондаги барча яхши фазилатларни қуйдириб, қулга айлантиради деганларича бор экан. Ҳали дугонасининг «қораси ўчмаси-

Жиноятга жазо муқаррар

дан» Гавҳарнинг юрагида тутай бошлаган ҳасад ўти ловуллаб, ич-этини қуйдира бошлади. У кузатиш залидаги юмшоқ ўриндиққа беҳол ўтирди. «Бунча пешонам шўр бўлмаса, — уйга толди у. — Яна Олтинойнинг омади қулди...» Анчадан бери қиз бечоранинг қалбидан жой олган яккаю ягона севган йигити Мирзиёев ҳам шу Олтинойни ёқтириб қолганди. Шундай пайтларда бечора Гавҳар «Мен-чи, мен ундан минг чандон чиройлироқман-ку, менга нега қарамайсизлар, бир даста гулни менга узатадиган мард йўқми?» деб хайқиргиси келарди.

Энди осмондан тушгандай пайдо бўлган Солиҳ ҳам негадир уники бўлиши керак. «Йўқ, дугонажон, бу инсофдан эмас ахир, нимадир меники ҳам бўлиши керак-ку?! Балки, айнан мана шу Қоравойни танларман. Бир балони билмасанг, шунча бойваччаларнинг болаларига йўқ деб, шу ажнабийни танлармидинг. Демак, Солиҳнинг беҳисоб бойлиги борлигини аниқ биласанки, шошилиш эрга тегяпсан.

«Ўзи йўқнинг кўзи йўқ» деганларидек, сен келгунча унга ўзим тегиб олмасам, исимини бошқа қўяман».

Гавҳар аэропортдан кўчага чиқдию, ён-вериди бехисоб автомобиллар орасида таниш «Лексус»га дарвор кўзи тушди. Беихтиёр ўша томонга юрди. Шу пайт унинг ортидан бузиб талаффуз қилинган рус тилида кимнингдир «Салом, чиройли қиз, гўзал қиз, Гавҳар», деган хитоби эшитилди.

Қиз ортига қаради-ю, кўзи бир даста гул кўтарган Солиҳга тушди. У қувонганидан йигитни кучоқлаб олишига оз қолди.

— Севгилингиз Олтинойга аталган гулни энди менга беряпсизми? — деди гулдастани хузур қилиб хидларкан.

— Агар унга аталганда, сизлар гаплашиб турганингизда берган бўлмасмидим? — ишончли гапирди «куёвбола» ва чиройли сўз ўйини қилди: — Лекин барибир тўғри топдингиз, у мен севган қизга аталган.

— Ҳаддингиздан ошманг, яхши йигит, — эркалангандай гапирди қиз. — Нима, бу шаҳарнинг қизларини қайсинисини етакласам, кетаверади деб ўйладингизми?

— Адашдингиз, Олтиной мени етаклаб, юртимга олиб бормоқчи эди, — уйлаб ўтирмай жавоб қилди Солиҳ. — Мен эса сизни етаклаб кетишни истаяпман.

Аэропортдаги учрашувдан уч кун ўтиб, Солиҳ Гавҳарга севги изҳор қилиб, қўлини сўради.

— Олтинойга берган ваъдангиз нима бўлади, Солиҳ? — сўради қиз розилик билдиргандан сўнг. — У келиб қолса, мени ўлдирарди, сизни эса уйдан ҳайдаб чиқарарди.

— Олтиной мени алдаб кетди, — жиддий қиёфада гапирди йигит. — Борган ерида унинг нима билан шуғулланишини яхши биламан. У шунчаки чет элда яшашни истайдиган таноз хоним, холос.

Шундай қилиб, орадан бир неча кун ўтиб, куёвболани ўз ҳисобидан энг қиммат бутикдан қийинтирган Гавҳар уни ота-онаси билан таништириш учун уйига бошлаб келди.

Мафтунга опа рус тилида нималарнидир тинмай гапирётган Солиҳнинг гапларига тушулмаётган бўлса-да, бош қимирлатиб, маъқуллаб ўтирди. Кейин она-бола ошхонага чиқишди.

Исматулла МАМАНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Тошкент вилояти
судининг судьяси.

(Давоми келгуси сонда)



ҚУЁШ ТАФТИДА ЧИЗИЛГАН СУРАТЛАР

Сиз одатда юзаси куйдириб қорайтирилган тахтачаларга ўйиб ишланган расмларни, нақшларни кузатгансиз. Ёки бўлмаса, учига спиралсимон металл бириктирилган электр-ручка ёрдамида тахтача юзасига куйдириб чизилган суратлар ҳақида ҳам маълумотга эгасиз. Эҳтимол, бу каби картиналар хонангизни безаб тургандир. Бироқ тиниб-тинчимас тасвирий санъат усталари тахтани куйдириб ишлаш борасида янгича усулларни ўйлаб топилган давом этмоқдалар.

Иорданиялик rassom Манг-Осан



(Mang-Osan) ўз картиналарини қуёш тафти ёрдамида чизади. Яъни, у катталаштирувчи линзалар ёки лупа ёрдамида ҳосил бўладиган нур-нуқтани тоза тахта юзаси бўйлаб маҳорат билан юргизади ва натижада мусаввир фантазиясида гавдаланган ажойиб тасвирлар пайдо бўлади.

ЧИҚИНДИМИ ЎКИ СУРАТ?

Замонавий услублар устаси дея эътироф этилган франциялик rassom Бернард Прас (Bernard Pras) 1952 йилда Парижда таваллуд топган. У ҳам доимо ўз ижод услубининг бошқаларникига ўхшаб қолмаслигига ҳаракат қилади. Шу боис, бир қарашда мозаика услубига ўхшаш, аммо тайёр бўлгач, ҳеч бир деворга илиб бўлмайдиган антиқа суратлар яратади. Бернардга ўз санъат асарларини яратишда на рангли қалам, на сув бўёк ва мой бўёк керак бўлади. Яъни, у турли чиқиндилар, идишлар, юмшоқ ўйинчоқлар, хуллас,



қўлига нима илинса, ўша нарсаларни моҳирона жамлаб, машҳур картина ва портретларнинг нусхаларини "чизиб" қўяди.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

“Бахтли бўлинг” саҳифаси

НИЯТ БОШҚА, ТАҚДИР БОШҚА ЭКАН

Синфдошим Санжар билан ёшлигимиздан жуда қалин дўст эдик. Улғайганимиздан кейин ҳам муносабатларимиз шундай давом этди. Бизнинг аҳиллигимиз аёлларимизга ҳам таъсир қилиб, опа-сингилдек бўлиб қолишди. Санжарнинг хотини ўғил, мен эса қизчали бўлганимдан кейин, бир-биримизга ҳазиллашиб, қудағай деб мурожаат қилишга одатландик. Ниятимиз ижобат бўлиб, фарзандларимизнинг ҳаётини шаръий никоҳ билан боғладик. Дўстимга шунчалар ишонганимдан қизимнинг қонуний никоҳдан ўтиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмабман. Отасининг раъйини қайтара олмай, Ҳилолага уйланган кўв бола, яъни Қосим ёшлигидан бир қизни севар экан. Шу боис қизимга кўнгил қўймади. Арзимаган баҳоналар билан уни калтаклаб, уйга қайтариб юбораверди. Қудалар маслаҳатлашиб, ёшларни яраштириб қўйдик. Аммо Қосим ҳаддидан ошди, қизимдан айб топиб, тинмай калтаклайвергани етмагандек, ўша қизни деб, отаси билан жанжаллашиб, уйдан бош олиб чиқиб кетди. Қариндошлик риштасига уланган дўстона муносабатларимизга шу тарзда дарз кетди. Санжар билан давраларда бир-биримизни кўриб қолсақ, тескари қараб ўтайдиган бўлдик. Ўз орзу-ҳавасларимизни деб ёшларнинг кўнглига қарамаганимиз учун ўзимни айбдор деб биламан. Ҳилоланинг ёши 27 да. Икки яшар қизчаси бор. 35 ёшгача бўлган Тошкент вилояти ёки сирдарёлик йигитлар бўлса, уни узатиш ниятидамиз.

АДҲАМ,
Тошкент вилояти.

ЁЛҒОНЧИ ЁР ЁЛҒОНЛАРИ

Қайнотам фермер бўлгани боис дала ишларига ҳашарчиларни ёрдамга чақиришимизга тўғри келади. Ўтган йили кузда картошқаларни кавлаб олиш учун келганлар орасида Хуршида исмли қиз қайнимга ёқиб қолди. Улар бир-бирига кўнгил қўганини кўриб, қайнонам: “Эпчил-чаққон, меҳнатдан қочмайдиган қиз кўринади, айна бизбоп экан”, деб обдон сўраб-суриштирмай, совчиликка борди. Қизнинг ота-онаси розилик бериб, тўй кунини ҳам белгилаб юборишибди. Бир ойдан сўнг Хуршида менга овсин бўлиб келди. Қайнимга: “Ўқув курсида ўқиганман, пазандачилик, тикиш-бичиш ишларининг устасиман”, деган қизнинг қўлидан бир иш келмаслиги бир ой ичида аён бўлди қолди. Эртадан-кечгача ойна олтидан кетмас, ўзига оро беришдан бўшамасди. Қўлидан телефон, қулоғидан наушник тушмайди. Ҳашардаги биз билган меҳнаткаш қиздан асар ҳам йўқ эди. Ушунда қайнимни илтириш, бизнинг меҳримизни қозониш учун ўзини ишчан қилиб кўрсатган экан. Қиш фаслида тўсатдан буйрагим оғриб, уй-рўзгор юмушларини бажаролмай қолдим. Қозон-товок, супур-сидир қайнонамнинг зиммасида қолиб кетди. Овсинимга бир оғиз сўз айтиб бўлмас, ҳеч кимдан тап тортмай, гап қайтариб жанжаллашиб кетарди. Қайнонам унга бир-икки насиҳат қилганди, уйига аразлаб кетиб, икки ой деганда қайтиб келди. Мени ва қайнонамни эрига ёмонлаб, ўртага совуқчилик тушириб қўйди. Қайнонамнинг қон босими ошиб, шифохонага тушиб қолди. Хуршида эса ҳомиладорлигини баҳона қилиб, уйдан чиқмасди. Хуллас, уни тарбиялаб, тўғри йўлга солиб бўлмади. Қайнонам уларнинг рўзгорини бўлак қилиб, алоҳида уйга чиқазиб ҳам қўйди. Шундагина Шерзоднинг кўзи очилиб, эрка хотинининг нағмаларини тушуниб етди. У ёғини сўрасангиз, овсинимнинг ҳомиладорлиги ҳам ёлғон экан. Бу хабарни эшитган қайним чидаб туролмасди, уа хотини билан ажрашди.

“Оила ва жамият” газетасининг ҳар бир сонини кузатиб бораман. Қайнонам иккимиз маслаҳатлашиб, 28 ёшли қайним Шерзоджонга уйим-жойим дейдиган, оғир-вазмин қизни келин қилиш ниятидамиз.

ШОҲИСТА,
Сирдарё вилояти.

КЕЧИККАН КЕЛИН

— Исмин Зилола. Ёшим 35 да. Асли жиззахликман. Йигирма йилдан буён пойтахтда яшайман. Бундан 11 йил илгари турмуш ўртоғим фалокат туфайли оламдан ўтди. Бир ўғил, бир қизимни ўзим катта қилаяпман. Нуфузли ташкилотда ишлайман. Топиш-туттишим ёмон эмас. Бу ерга фарзандларимнинг келажагини ўйлаб келдим. Имкони бўлса, 40-45 ёшгача бўлган пойтахтда яшовчи, уй-жойи таъин, иқтисодий жиҳатдан яхши таъминланган эркак билан танишиб, оила қуриш ниятидаман.

— 43 ёшли Икром деган йигит сиз истаётган шарт-шароитларга эга. Фақат у ҳам ўз фарзанди бўлишини истаيدди. 41 ёшли жиззахлик Искандар эса онаси билан бирга яшайди ва унинг ҳурматини жойига қўя оладиган аёлни изляпти. Адҳам исмли эркекнинг 12 яшар қизи бор. У билан оила қурувчи номзод фарзандига оналик меҳрини беришини сўраган. Хўш, сиз, ана шундай масъулиятли вазифаларни бажара олам, деб ўйлайсизми?

— Кечирасиз, уларнинг бирортаси ҳам менга тўғри келмас экан. Ахир мен бу ёшда ҳомиладор бўлиш-у, қайнона-қайнотанинг қовоғига қараб яшашга, бировнинг қизига тарбия беришга қийналаман-да.

— Бахтга эришиш учун бўлажак турмуш ўртоғининг кўнгли ва шароитига қарашингиз, рўзгорининг пасту баландига кўникишингиз керак. Ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиб, бахтга етишиб бўлмайдими-ку!

— Унда ҳужжатларимни қайтариб, олиб кетаман. Балки ҳаётда ўзим истагандек одамни учратиб қоларман.

...Орадан уч ой ўтиб, Зилола тахририятга кўнги-роқ қилиб:

— Алло, опа, узр, бошимга ташвиш тушди, менга зудлик билан бошлана керак. Икром исмли эркекнинг телефон рақамини берсангиз. Бирданига Искандарникини ҳам берақолинг, сизни қайта овора қилмай, — деса бўладими.

— Узр, сиз сўраган эркекларнинг ҳар иккиси ҳам аллақачон ўз бахтини топиб, оила қуриб кетишди, кечикдингиз.

ЕТТИ ЙИЛДАН СЎНГ...

— Алло, ассалому алайкум, “Бахтли бўлинг!” бўлимими?

— Худди шундай, эшитамиз.

— Менинг исмин Мурод, Бухоро вилоятида яшайман. Турмуш ўртоғим Хуморани севиб уйланганман. У саранжом-саришта, қариндош-уруғларимнинг кўнглига йўл топа олган аёл эди. Олий маълумотли, иккита хоржий тилини яхши биларди. Онам ҳар икки гапининг бирида энди келиндан ёлчидим, барака топсин, деб дуо қиларди. Афсуски, онам бечоранинг қувончи узоққа чўзилмади. Биз етти йил яшаб, фарзандли бўлолмагач, ноилоҳ ажрашдик. Шунда-ям икки йилча ундан кўнгил узолмай юрдим. Уйимиз усиз ҳувиллаб қолди. Яқинда собиқ аёлим турмушга чиқиб кетгач, онам ёшинг ўтяпти, қайта уйлангин, кўзим очиклигида невараларимнинг бахтини кўрай, деб тахририятга мурожаат қилишимни сўради. Ёшим 33 да. Бир нафар фарзанди бор, ёки турмушга чиқишда кечиккан қиз бўлса, оила қурмоқчиман, ёрдам берсангизлар.

— Марҳамат, бизга талаб қилинган ҳужжатларни почта орқали юборинг.

ТАХРИРИЯТДАН:

“Бахтли бўлинг” руқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла фуқаролар йиғинидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширилари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:

(8-371)234-25-46

АВЛОДЛАРДАН ОЛИНГАН ҚАРЗ

Тирик эканмиз, бутун борлиқ билан ҳамнафас яшаймиз. Табиат неъматларини асрашни эса фарзандларимизга энг аввало оилада ўргатишимиз керак. Кран жўмрагидан тўғри фойдаланиш, сув ва газни исроф қилмаслик, нон ушогини авайлаб четга олиб қўйиш, ахлатни дуч келган жойга эмас, балки махсус идишларга ташлаш, сувга туфламаслик, атроф-муҳитни озода сақлаш кераклигини ўқитиш билан болаларимизда экологик маданиятни шакллантириб борамиз.

Аммо ҳамма хонадонларда ҳам болаларнинг она табиатга муносабати тўғри шаклланипти, деб бўлмайди. Табиий газ, ичимлик суви ҳамда электр энергиясини эътиборсизлик билан сарф қилиб, газ плиталари, чирокларни беҳуда ёқиб қўяётган, бу борада фарзандларига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналар ҳам афсуски, орамизда учраб турибди. Айрим хонадонларда кран жўмрагининг носозлиги боис сув тинимсиз оқиб ётади. Уни тузатишга кетадиган арзимас харажатдан қочаётган ҳамюртларимиз эса ҳар бир томчици бебаҳо неъмат бўлган оби ҳаёт манбаини увол қилишаётганини ўйлаб ҳам кўришмайди. Олим Гро Харлем Брундтланд: "Табиат — бу аждодларимиздан қолдирилган мерос эмас, балки келгуси авлодларимиздан олинган қарзидир", деган эди. Шундай экан, келажак авлодларимиз олдидаги қарзимизга хиёнат қилишга ҳаққимиз йўқ.

Ота-боболаримиз табиат неъмат-

ларини қанчалар эъозлагани ва уволдан кўрққанини яхши биламиз. Улар хонадонларда ўтказилган тадбир, маросимларда имкон қадар тежамкор бўлишга ҳаракат қилишган. Аммо сўнгги йилларда тўй, маърака ва бошқа маросимлардаги дабдаба-бозлик натижасида айрим ҳамюртларимиз табиат неъматларини исроф қилишда ҳам чегарадан чиқиб кета-



ётганига гувоҳ бўляпмиз.

Ёз ойларида юртимизнинг сўлим гўшалари дам олувчилар билан гавжум бўлади. Яшнаб турган манзарали ва мевали дарахтлар, анвойи гуллар одамнинг баҳри дилини очади. Лекин ёшлар писта пўчоқларини, озик-овқат маҳсулотлари қозғаларини махсус чикинди идишларига эмас, балки дуч келган ерга ташлашаётганлигини, мевалар пишар-пишмас да-

Ойна

рахт шохларига осилиб, уларни синдираётганлигини кўриб, беихтиёр кўнглимиз хира тортади. Бироқ уларни айбашдан олдин, ўйлаб кўрайлик-чи, ота-онани бундай қилиш нотўғри эканлигини, бу билан табиатга жуда катта зарар етказишлари мумкинлигини уларга айтишганмикан?

Халқимизда: "Қуш уясида кўрганини қилади", деган доно нақл бор. Табиатга зарар етказмаслик, унинг бизга туҳфа этган инъомларини авайлаб асраш борасидаги илк тушунча ва билимларни, фарзанд аввало оиладан олади. Эртақ, ривоят, ҳикоя, шеърлар орқали болалар кўнглида табиатга меҳр уйғотиш, уларнинг тафаккурида экологик маданиятни шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Невара-чевараларимиз ва уларнинг авлодларига ҳам тоза ҳаво, зилло сув, мусаффо осмон, манзарали ўсимликлар, гўзал табиат зарур. Табиатни ва бутун борлиқни асраш борасида Амир Темури бобимиз шундай дейди: "Ҳамишалиг таъкид этур эдим: хон бўлсанг-да боғ ярат, гадоӣ бўлсанг-да боғ ярат — бир кунмас бир кун мевасини татирсан..." Боболаримизнинг бундай ўғитларини қадрлаш, келгуси авлодларга етказиш бизга юкланган юксак ишонч, фарзандларимиз олдидаги бурчимиздир. Шунинг учун бизга берилган неъматлардан оқилона фойдаланайлик, исроф қилмайлик. Бунинг ўрнига боғлар яратиш орқали юртимиз ободлигига ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Адолат ҲУРОЛОВА,
Гулистон мактабгача таълим
ва хизмат кўрсатиш касб-хунар
коллежи ўқувчиси.



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ... ЗЛАТАН ТЎҚҚИЗИНЧИ МАРТА ЙИЛ ЎЙИНЧИСИ

Парижнинг ПСЖ клуби ҳужумчиси Златан Ибрагимович кетма-кет тўққизинчи марта ўзи туғилиб ўсган юрт Швецияда йил ўйинчиси деб тан олинди.

Футболчи тез кунларда совринни қабул қилиб олади.

ФЕРНАНДО ЕНГИЛМАГАН БОКСЧИНИ ТЎХТАТДИ

Профессионал боксининг ярим енгил вазн тоифасида бир неча вазн тоифалари собиқ чемпиони мексикалик Фернандо Монтиэль ўзини кучлилар сафидан чиқариб ташлаш учун ҳали эрта эканлигини кўрсатиб қўйди.

Яқинда Мексикада ташкиллаштирилган профессионал бокс кечасида, Фернандо ҳали бирор марта ҳам мағлуб бўлмаган ҳамюрти Серхио Пуэнте билан рингда тўқнаш келди ва очколар ҳисобида галаба қозонди.

Маъмур муваффақият Монтиэль учун 2011 йили Виктор Терразасга имкониятини бой берганидан кейинги, қаторасига еттинчи галабаси бўлди.

ЖАНГДАН ОЛДИН МАШМАША

10 ноябрь куни Германиянинг Гамбург шаҳрида супер оғир вазн тоифасининг мутлақ жаҳон чемпиони украиналик Владимир Кличко ва болгариялик Кубрат Пулев ўртасидаги беллашув олдида ҳал қилувчи матбуот анжумани ўтказилди.

Бироқ, анжуман кутилганидек бошланмади. Сабаби, Кубрат йиғилишга келмади. Кличкога тегишли «K2 Promotions» компаниясининг маълум қилишича, улар бир неча кун аввал рақиб жамоа билан боғланиб, матбуот анжуманига фақат учта одам бўлиб келишларини тайинлашган.

Пулев эса кўп сонли одамлари билан ташриф буюрган ва анжуманда уларнинг барчаси қатнашиши ёки ҳеч ким иштирок этмаслигини айтган. Владимирнинг жамоаси эса ўз фикрида туравергача, Кубрат йиғилишдан бош тортиб чиқиб кетган.

**Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.**

ЭЪЛОН!

28.08.2013 йилда Курбанов Жавлон Сетдарбердиевич номига шахар йўловчилар транспортида бепул қораш ҳуқуқини берувчи №003859-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1136. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 5598. Баҳоси келишилган нарҳда.

СОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

Қатра

ГУЛ БЕРГАНГА МИНГ ТАНГА

Бозорда бирови мактанарди:

— Мен бир йилда фалон милён пул топдим, иномарка машина олдим, данғилама ҳовли қурдим, ўғлимнинг тўйида фалончи артист бор-ку, "бирров"га келувди, уч минг кўкидан кистириб юбордим.

Бутун бозорни бошига кўтариб бойлиги билан керилаётган бойваччанинг ҳавоий гап-сўзларини эшитиб, мийғида кулиб қўйган йигит бўлса, ёнгинасида турган кишига секин шивирлади:

— Мен эса ҳар йили фалон милён дона гул етиштириб, юзлаб оилаларга қувонч улашдим, ўнлаб келин-куёвларга бепул гулдаста тақдим қилдим.

Ҳар иккисини ҳам орқаворотдан кўриб, эшитиб юрган одамлардан бири эса билса ҳазил, билмаса чин маънода шундай деб қўйди:

— Бойлиги билан керилганга бир танга, гули билан мактанганга эса минг танга десам, нима дейсизлар?

МОХИНУР

МЕБЕЛЛАР ҚАНДАЙ ТОЗАЛАНАДИ?

Уйимизга кўрк бериб турган, ҳаминча коримизга ярайдиган стол-стул, кийим, китоб жавонлари, юмшоқ диван ва креслолар ҳамда ошхона мебелларининг тоза ва озода кўриниши хонадонимиз фазлига фойз қўшади.

Сайқаланмаган юзали шкаф ва жавонларни илиқ сувга солинган совунли эритма билан ювиб, сўнг куруқ ва тоза латтада артиб олиш лозим.

Сайқаланган юзали мебеллар устига иссиқ чойнак, қозон, дазмол каби уй анжомлари қўйилса, уларга доғ тушади. Бунинг учун озгина пахтани аввал тузга, сўнгра ўсимлик ёғига ботириб, юзасини охишта, соат миллиари йўналишида артиб олган маъқул.

Пластик юзаларни эса илиқ сувга махсус тозалаш воситасидан солиб, ювиб олиш мумкин. Бундай жиҳозларни совун ва кукунлар билан артиш ярамайди. Ранги хиралашиб, жилосини йўқотади. Улардаги доғни кетказиш учун жиҳоз юзасига туз ва ўсимлик ёғи аралашмасини суриб, икки соатдан сўнг куруқ латта билан яхшилаб артиш лозим.

Паҳмоқ тукли мато билан қопланган юмшоқ мебелларни чангюткич ёрдамида тозалаш тавсия этилмайди. Чунки бундан жиҳоз матосига патур етади. Агар нам латта билан тозаланса, уни фен ёки шунга ўхшаш мослама билан қуритиш керак.

Юмшоқ мебелларнинг табиий ва сунъий чармдан тайёрланган қопламаларини нам мато билан артиш мумкин. Мутахассисларнинг фикрига кўра, чарм қопламага вақти-вақти билан енгилгина кўпиртирилган туҳум оқини суртиб туриш лозим. Табиий чармларни кимёвий воситалар билан ювиш ярамайди.

Юмшоқ мебелдаги қаҳва ёки шоколад доғини кетказиш учун совунни кўпиртириб, ўша жойга суриб қўйилади ва нам мато билан ишқалаб артилади. Сўнг мебел ўз холича қуригани маъқул.

Уй жиҳозларидаги доғларни янги пайтида тозаланса, тез кетади. Акс холда уларни тозалаш жуда мушкул. Шу боис мебелларни тозалашда уй-рўзгор буюмлари дўконларида сотиладиган махсус тозалаш воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Аммо воситаларни қўллашдан аввал йўриқнома билан танишган маъқул. Акс холда салбий натижа бериши мумкин.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» асопиацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Боти муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОҢОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

Мусахҳиллар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,

Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

123 5